



**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИДА  
 МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШ НУТҚИЙ ЖАНРИ ЯКУНИЙ  
 ҚИСМИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**Жўраев Араббой Раҳмиддин ўғли**

*Андижон Иқтисодиёт ва*

*қурилиши институти тадқиқотчиси*

Инглиз ва ўзбек тилларида миннатдорчилик билдириш нутқий жанри матний хусусиятларига кўра ўзига хос миллий-маданий хусусиятларга эга. Масалан, инглиз тилида алоҳида сахифа сифатида белгиланади ва *Acknowledgements* деб номланади. Ўзбек тилида эса миннатдорчилик билдириш сўзбоши, кириш, муқаддима қисмларида баён қилиниб, бунда миннатдорчилик билдириш ушбу қисмнинг якуни сифатида воқеъланиши мумкин. Инглиз тилида миннатдорчилик билдиришнинг якуни қисмида адресантнинг оила аъзолари ва дўстлари, яқин танишлари кабиларни тилга олиш билан яқунланади. Баъзи ҳолларда тилга олинмаган ва рўйхатга киритилмаган ёрдамчиларга ташаккур айтиш билан яқунланиши ҳам мумкин.

Инглиз тилидаги миннатдорчилик билдириш нутқий жанри якуни микроматнлари тузилиши, асосан, адресатларнинг алоҳида ёки умумий кўрсатилиши тартибига боғлиқ масалан, адресатлар алоҳида кўрсатилганда, миннатдорчилик матни қўйидагича қўйидагича шакллантирилади:

**ACKNOWLEDGEMENTS<sup>33</sup>**

*Last but not least, we owe a great amount of debt and gratitude to Nodira Meliboeva whose vision of creating a sustainable in-service teacher education program came to fruition under her guidance and support. The development of Uzbekistan's foreign language in-service teacher education program would not have been possible without her.*

Адресатларнинг умумий кўрсатилиши ёки рўйхат шаклидаги ташаккур сўзлари қўйидагича шаклланади:

**ACKNOWLEDGEMENTS<sup>34</sup>**

*Acknowledgements are made to the following for their permission to reproduce the following copyright material*

*BBC, for extract from a BBC Radio 4 programme, 'Tuesday Call', broadcast on 9 November 1982.*

*Boots The Chemists Ltd for part of the text of their advertisement used in 1975.*

*Hertfordshire Mercury, for the report on 'Hertfordshire Yesterdays', from the Hertfordshire Mercury 15 October 1982.....*

---

<sup>33</sup> David L. Chiesa, Ulugbek Azizov, Svetlana Khan, Klara Nazmutdinova, Komila Tangirova reconceptualizing language teaching: an in- service teacher education course in Uzbekistan. Baktira press, 2019.

<sup>34</sup> Discourse and Language Learning: A Relational Approach to Syllabus Design, Winifred Crombie, Oxford University Press 1985

Ўзбек тилида эса диний ўқув қўлланма ва рисолаларда миннатдорчилик билдириш матнинг бир қисми ёки тўлиқ гап шаклида келади ва микроматн хусусиятига эга бўлади. Миннатдорчилик билдириш нутқий жанрининг якуний қисми диний ўқув қўлланма ва рисолаларида ўзига хос бўлиб, Аллоҳ билан боғлиқ шакллар асосий ўринда бўлади. Масалан,

### СЎЗ БОШИ<sup>35</sup>:

*Уибу рисолани ёзишида беминнат ёрдам берган устозларимизга Аллоҳ Таолодан ажру мукофотлар тилаймиз. Аллоҳ Таоло ҳаммамизни оқибатимизни хайрли қилсин. Омин.*

### ТАҚДИМ<sup>36</sup>:

*“Хадис ва Хаёт”нинг “Муқаддима” деб атамиши биринчи жузини сиз, нухоятда кадрли ўкувчиларимга тақдим килар эканман, бу китобни айнан азиз ватанимизда чоп этилишига алохида эҳтимом билдирилганини хам таъкидламокчиман. Бу эса ўз навбатида китобни чоп этиши масаласини хал килишида жонбозлик кўрсатган ва кўрсатадиган кишиларга, келажак жузларини нашр килишида ёрдам бериши ниятида бўлганларга алохида ташаккурларимизни изхор килишимизни такозо киласди.*

Аннотациядан сўнг келганда тўлиқ микроматнни ҳосил қиласди:

*Уибу китобни нашр эттиришида ҳомийлик қилган саҳоватпеша дўстимиз Ҳожи Улугбек Абдуллаевга Оллоҳ таолодан ажру мукофот тилаймиз. Китоб сотувидан тушиган маблаг кам таъминланган оиласларга ҳадя этилади<sup>37</sup>.*

Ўзбек тили ўқув адабиётларида муқаддима қисмларининг якунида ҳам воқеъланиб, микроматн хусусиятларига эга бўлиши мумкин.

### МАСАЛАН,

*Кўлланмани тулдириши, тақомиллаштиришида УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ходимлари А.Сайднуъмонов, А.Ахмедова, Ж.Ёдгоров якиндан ёрдам бердилар<sup>38</sup>.*

Кўринадики, инглиз ва ўзбек тилларида миннатдорчилик бидириш нутқий жанри ўзига хос миллий-маданий қолиплар асосида шакланади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. David L. Chiesa, Ulugbek Azizov, Svetlana Khan, Klara Nazmutdinova, Komila Tangirova reconceptualizing language teaching: an in-service teacher education course in Uzbekistan. Baktira press, 2019.

<sup>35</sup> Ҳазрат Баҳовиддин Накшбанд. Тарихий ва маърифий рисола. “Сано - стандарт” нашриёти, Тошкент, 2013, 4-6 бетлар, ум: 112 б

<sup>36</sup> Хадис ва Хаёт. Муқаддима - Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф – 2013 1 жуз, 5-6 белар, 175-бет

<sup>37</sup> Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Накшбанд ёки етти пир. Тошкент, янги аср авлоди, 2003, 2 бет, ум:23 бет

<sup>38</sup> М. Аминов, А. Мадвалиев, Н. Махкамов, Н. Махмудов, Ё. Одилов. Давлат тилида иш юритиши. Амалий қўлланма «0 ‘zbekiston nashriyoti» Тошкент – 2020

2. Discourse and Language Learning: A Relational Approach to Syllabus Design, Winifred Crombie, Oxford University Press 1985
3. Ҳазрат Баҳовиддин Нақшбанд. Тарихий ва маърифий рисола. “Сано - стандарт” нашриёти, Тошкент, 2013, 4-6 бетлар, ум: 112 б
4. Хадис ва Ҳаёт. Муқаддима - Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф – 2013 1 жуз, 5-6 белар, 175-бет
5. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. Тошкент, янги аср авлоди, 2003, 2 бет, ум:23 бет
6. М. Аминов, А. Мадвалиев, Н. Махкамов, Н. Махмудов, Ё. Одилов. Давлат тилида иш юритиш. Амалий қўлланма « 0 ‘zbekiston nashriyoti» Тошкент – 2020